



УРУШДАН КЕЙИНГИ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ - ТЕХНИК ТАЪМИНОТИ.

Алимова Наргизахон Одиловна

ФДУ, т.ф.ф.д., доцент

Одинахон Холмирзаева Акмалжон қизи

ФДУ тарих факулътети магистранти

Анотация: Мазкур мақолада урушдан кейинги йилларда мактабгача таълим тизимида ўтказилган айрим ислоҳотлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган. Шунингдек, соҳанинг моддий-техник жиҳатдан тамиланганлик даражаси акс этган.

Калит сўзлар: Фарғона, мактабгача таълим муассасаси, болалар яслиси, болалар боғчаси, дала-шийпон боғчаси, тарбиячи,

Бугунги кунда Ўзбекистонда кўплаб соҳалар қаторида мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Таълим тизимида мактабгача таълим босқичи энг муҳим бўғинлардан бири саналади. Афсуски, бизда йиллар давомида ушбу таълим босқичини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларига қамровни ошириш, уларнинг моддий-техник базасини замон талабларига мослаштириш каби масалаларга бирмунча кам эътибор қаратилди. 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” Президент Қароридан сўнг таълим тизимининг ушбу бўғинига эътибор кучайди. Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ биргина 2019 йилнинг ўзида 5 минг 722 та давлат, хусусий, оиласиб болалар боғчалари очилди. Бунинг натижасида фарзандларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга ошди. Шу ўринда япониялик тадқиқотчи, бола руҳиятининг билимдони Масару Ибуканинг “Учдан кейин кеч” китобини эслаш ўринлидир. Унинг фикрига кўра, катта ёшдагилар қийинчилик билан ўрганадиган нарсаларни, болалар ўйнаб илғаб олишади. Ушбу жараённинг асоси айнан таълимни ўз вақтида бера бошлашдадир. Дарҳақиқат, сўнгги тадқиқотларда инсон миясининг имкониятлари ниҳоятда кенглиги, таълим ва тарбия болага қанчалик эрта берилса, у шунчалик ўзининг ижобий самарасини бериши ўз тасдиғини топмоқда.

Совет ҳокимияти томонидан иккинчи жаҳон урушидан сўнг бошланғич ва умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари тармоқларини барпо этиш (болалар учун етти йиллик умуммажбурий таълимни жорий этиш), болалар боғчалари ва маданий-маърифий муассасалар тармоғини кенгайтириш режаси илгари сурилди.



Урушдан кейинги дастлабки иқтисодий тикланиш даврида энг муҳим сиёсий - иқтисодий муаммолар билан бир қаторда, мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга оид масалалариға жиҳдий эътибор қаратилди. Чунончи, болалар боғчалари тармоқларини кенгайтириш билан бир қаторда уларнинг моддий базасини яхшилаш учун зарур маблағлар йўналтирилди. Шунингдек, таълим-тарбия ишлари сифатини оширишга, малакали кадрларини тайёрлашга кўмаклашувчи самарали чора-тадбирлар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ССРда иккинчи жаҳон урушидан кейинги беш йиллик режа амалга оширилиши давомида тегишли соҳа вакилларидан катта меҳнат ва юксак масъулият талаб қилди. Хусусан, халқ таълими вакиллари соҳада аҳволни яхшилиш борасида жонбозлик кўрсатдилар. Айниқса, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш оғир кечди. Уруш даврида болалар боғчаларининг катта қисми яроқсиз ҳолатга келган эди. Шу боис урушдан сўнг болалар боғчалари фаолиятини тиклаш, озиқ-овқат таъминотини йўлга қўйиш, моддий-техник аҳволини яхшилиш каби муаммолар бўй кўрсата бошлади. Оқибатда, хукумат эътиборини айни масалаларга қаратди, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва болалар қамровини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ишлари сифатини ошириш йўлида бир қатор чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Ушбу чора-тадбирларда мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари, тарбиячиларининг педагогик маҳоратини ҳар томонлама ва узлуксиз ўстириб бориш, малакали кадрлар тайёрлаш масалалари ўз аксини топди. Натижада, 1945 йилда тасдиқланган «Болалар боғчаси Устави», «Тарбиячилар учун кўрсатмалар» сингари муҳим ҳужжатлар талабларини амалиётга кенг татбиқ этиш белгилаб олинди.

Юқоридаги чора-тадбирларни бугунги замон руҳи билан солишиурсақ, ислоҳотдан кутилган мақсад тамомила бир-биридан фарқ қилганлиги кўзга ташланади. Зотан, Совет хукумати даврида мактабгача таълим муассасалари тармоқларини кенгайтириш ва уларни мактабгача ёшдаги болалар билан қамраб олиниши, асосан, аёл-оналарни завод ва фабрикаларга, колхозчи аёлларни қишлоқ хўжалиги ишларига кенг қамровли жалб этиш учун муҳим аҳамият касб этган. Шу боисдан, болалар боғчалари асосан икки босқичда ташкил этилган : биринчи босқич- “болалар яслиси”, иккинчи босқич-“болалар боғчаси”дан иборат бўлган. Яслиларга болалар 2ойликдан қабул қилинган, З ёшдан эса боғчага ўтказилган¹.

Шунингдек, давлат бюджетидан халқ таълими учун 1 миллиард рубль, мактабгача таълим учун эса, 32 млн. рубль қийматида маблағ ажратилди. Республика бўйича 1950 йил мактабгача ёшдаги болаларнинг 60 минг нафарини болалар боғчаларига қамраб олиниши белгиланган эди¹⁰.

¹Мактабгача тарбия справочники.– Т., 1974. 62-63 бетлар.

² ЎзР МА, 94-фонд, 5-руйхат, 5471- иш, 12- варак. (Годовой отчёт об исполнении местных бюджетов за 1946)



Ўзбекистон ССРда 1940 йилда мактабгача таълим муассасалари сони 2215 тани (шаҳарда 657, қишлоқда 1558), унда тарбияланувчилар сони 74 минг нафарни (шаҳарда 37, қишлоқда 37минг) нафардан иборат бўлган.

Ўзбекистон ССРда йилдан-йилга мактабгача таълим муассасалари ва тарбияланувчилар сони ортиб борган. Аммо, ушбу соҳада ҳам ютуқлар билан бир қаторда ўзига хос жиддий камчиликлар мавжуд бўлган. Жумладан, ҳукумат томонидан белгиланган мактабгача тарбия муассасалари режа кўрсаткичлари (мактабгача тарбия муассасалари ва тарбияланувчилар сонига тегишли) амалдагиси билан бирмунча фарқ қилган, тугал бажарилмаган. Масалан, 1946 йилда колхоз доимий болалар боғчаларига 33 минг нафар болалар, мавсумий болалар боғчаларига 180 минг нафар бола қамраб олиши режалаштирилган эди. Лекин, 1946 йил колхоз доимий болалар боғчаларига 31468 нафар болалар (95,3 фоиз), мавсумий болалар боғчаларига 118068 нафар (65,5 фоиз) болалар қамраб олинган¹¹. Шунингдек, республика миқёсида 1946 йил шаҳар болалар яслиларида 12776 та иш ўрни яратилиб, белгиланган режа 79 фоизга бажарилди. Қишлоқларда эса, 9520 та иш ўрни яратилиб, режа 95,2 фоизга бажарилди. Айни ҳолатларнинг сабабини 1944 йилдан бошлаб 7 ёшли болаларнинг мактабларга қамраб олиниши, уруш йилларида туғилишнинг тез суръатларда камайиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу ўринда такидлаш лозимки, режада белгиланган кўрсаткичлар мактабгача таълим муассасалари биноларини қуриш жараёнларида сусткашликка йўл қўйилгани туфайли ҳам амалда бажарилмай қолиб кетган. Хусусан, Фарғона вилояти шаҳар ва посёлкаларида ҳукумат режасига биноан 2320 та болалар яслиси очилиши назарда тутилган эди. Амалда эса, 2306 та болалар яслиси иш юрита бошлаган.

Урушдан кейинги даврда республика бўйича мактабгача таълим муассасалари тармоқлари сони жуда суст равишда кўтарилиб борди. Бунинг омилларини қўйидагича изоҳлаш мумкин. Масалан, 1946 йил 9 ой давомида 207 та болалар яслилари таҳлил қилиб чиқилган. Унга кўра, яслиларда болалар қамрови уруш йилларидагига нисбатан 30 фоизга кўтарилган. Шунингдек, 4812 нафар оналар ўртасида сўровнома ўtkazilganда, улардан 2811 нафари (58,4 фоизи) ишлашни ҳоҳламаслигини маълум қилган шу билан бир қаторда, 2001 нафар (41,6 фоизи) ишловчи оналар болаларини яслиларида озиқ-овқат таъминоти яхши бўлмагани, тарбиячилар томонидан яхши таълим ва тарбия берилмагани (12 фоизи), «нон карточка»¹² ларини беришни ҳоҳламаганлиги (6 фоизи) сабабли уйда қолдиришни афзал кўришини маълум қилган. Ушбу сабаблар туфайли, 1946 йилда республика халқ таълимига қарашли болалар боғчаларига қамраб олиш режаси 23700 нафар бўлган бўлса, амалда 17385 нафари жалб этилган, холос¹³.

¹¹Ўзбекистон илмий- техника ва тиббиёт архиви. 1-фонд, 1-рўйхат, 4150-иш, 34-варак.

¹²Нон карточка – нон маҳсулотларининг белгиланган микдори.

¹³УзРМА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4781-иш, 284-варак.



Ўзбекистон ССР Маориф вазирлигининг 1950 йил 7 апрел куни «Колхозчи аёлларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун колхозларда болалар муассасалари тармоғини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 328-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижроси ҳам амалда тўлақонли бажарилмади.

Фарғона вилоятида 1945 йил 1451 нафар тарбияланувчилар бўлиб, улардан 1000 нафари шаҳар боғчаларига, 451 нафари қишлоқ боғчаларида тарбияланган. Бундан ташқари, туну-кун фаолият юритадиган мактабгача таълим муассасалари ҳам ташкил этилган бўлиб, 1945 йилда 4000 ўрнига 1500 нафар болалар қамраб олинган, яъни 38 фоизга бажарилган¹⁴.

Шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларида мактабгача таълим инспекторлари ташкилланмаганлигидан мактабгача тарбия муассасаларига бевосита раҳбарлик ишлари кўнгилдагидек эмас эди. Шунга қарамай, мактабгача таълим муассасалари фаолиятида маълум бир ижобий натижалар қўлга киритилди. Маслан, кўпгина болалар боғчалари капитал таъмирдан чиқарилди. 1950 йилда шаҳар болалар боғчалари қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар билан тамилланди. Шаҳар болалар боғчаларида болаларнинг овқатланиши яхшиланди, унда тарбиявий ишлар сифати ошди. Шунингдек, айrim колхоз болалар боғчалари ва болалар майдончаларига зарур бўлган мебел, идиш-товоқ, юмшоқ жихоз ва ўйинчоқлар етказиб берилди.

Совет ҳукуматининг аграр сиёсатига кўра, қишлоқда яшовчи аёллар колхоз ва совхозлардаги асосий ишли кучининг 80 фоизини ташкил этган. Аммо, уларга маиший хизмат кўрсатиш паст даражада эди. Хусусан, колхоз ва совхозларга тегиши болалар боғчалари етишмас, мавжудларида шароит талабга жавоб бермас эди. Колхоз ва совхозларга жалб қилинган аёлларнинг болалари асосан дала-шийпон боғчаларига қамраб олинган эди. Ушбу турдаги боғчаларнинг жуда кўп қисми қисқа муддат фаолият юритган. Чунки, аксарият болалар боғчалари фойдаланишга яроқсиз биноларда, яъни, далалар, бир-икки хонали биноларда ташкил этилган эди. Жумладан, Фарғона вилоятининг мактабгача таълим муассасалари жойлашган 271 та биносидан фақат 13 тасида 5 та хона бор эди холос. Аксарият ҳолларда бинолар колхозларнинг раислари томонидан бошқа мақсадларда – омбор, пилла сақлаш жойи сифатида ишлатилган.

Юқоридаги каби холатлар 1980-йилларда ҳам кузатилган. Шаҳарлардан фарқли ўлароқ қишлоқларда аҳвол анчайин аянчли бўлган. Колхозлар қошида ташкил этилган болалар боғчалари, дала-шийпон боғчаларига деярли эътибор берилмаган, уларнинг кўпгина қисми талабга жавоб бермаган. Болалар учун ётоқ ўринлари билан ҳам етарлича таъминланмаган. Озиқ-овқатлари эса кўп ҳолларда колхоз ишчилари овқат қозони таркибидан қопланган. Ушбу турдаги боғчалар тарбиячисига маблағ берилмаганлиги сабабли энага вазифасини

¹⁴ УзРМА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4781-иш, 238-варак. Годовые отчёты о работе управлении и селов Министерства Просвещения УзССР за 1945 г.



колхоз аёлларидан бири бажарган. Бундан кўринадики, ушбу соҳада йиллар давомида ислҳотлар билан бир қаторда, уларнинг ижросида кўзбўямачиликлар ва соҳта рақамлардан фойдаланиб келинган. Бу эса мактабгача таълим тизимида кўплаб муаммолар йилдан йилга ортиб боришини юзага келтирган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мактабгача тарбия справочники.- Т., 1974. 520 бет.
2. ЎзР МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 5471- иш, 12- варақ. (Годовой отчёт об исполнении местных бюджетов за 1946) устоздан сўрайман
3. Ўзбекистон илмий- техника ва тиббиёт архиви. 1-фонд, 1-рўйхат, 4150-иш, 34-варақ.
4. УзРМА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4781-иш, 284-варақ.
5. УзРМА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4781-иш, 238-варақ. Годовые отчёты о работе управлении и селов Министерства Просвещения УзССР за 1945 г.
6. Ботирова Шоирахон опа- Бағдод тумани 37 сонли МТМ тарбиячиси (1988-1990 йиллар) Учкўприк тумани, Катта-қашқар МФЙ, Истиқлол кўчаси, 68 уй, 52 ёш.